



FROM THE HISTORY OF THE CONQUEST OF THE JIZZAKH BEGDOM

Ahrorqul Hasanovich Pardayev

Associate Professor

Head of the Department of General History, JDPU

Science ID: FJZ-0826-0002

Jizzah, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Jizzakh Bekdom, Emirate of Bukhara, Russian Empire, M. Chernyayev, D. Romanovsky, Oqjar (Erjar) battle, Orda fortress, colonialism, conquest, Turkestan.

Received: 02.08.26

Accepted: 03.08.26

Published: 04.08.26

Abstract: This article examines the history of the conquest of the Jizzakh Bekdom, which belonged to the Emirate of Bukhara, as part of the Russian Empire's colonial campaigns in the Syr Darya basin. The author analyzes, on the basis of archival documents and historical sources, General M. Chernyayev's unsuccessful military campaign of 1865, the Oqjar (Erjar) battle, the defensive system of the Jizzakh Orda fortress, and the process of the city's conquest by the troops of General D. Romanovsky in October 1866. The article also discusses the heroism of the defenders of Jizzakh, human losses during the battle, and the consequences of the invasion.

ЖИЗЗАХ БЕКЛИГИНИНГ ИСТИЛО ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН

Аҳрорқул Ҳасанович Пардаев

Доцент

ЖДПУ, «Умумий тарих» кафедраси мудири

Илмий идентификация рақами: FJZ-0826-0002

Жиззах, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Жиззах беклиги, Бухоро амирлиги, Россия империяси, М. Черняев, Д. Романовский, Оқжар (Эржар) жанги, Ўрда қалъаси, мустамлакачилик, истило, Туркистон.

Аннотация: Ушбу мақолада Россия империясининг Сирдарё хавзасидаги мустамлакачилик юришлари доирасида Бухоро амирлигига қарашли Жиззах беклигининг босиб олиниши тарихи ёритилган. Муаллиф генерал М. Черняевнинг 1865 йилдаги

муваффақиятсиз ҳарбий юриши, Окжар (Эржар) жанги, Жиззах Ўрда қалъасининг мудофаа тизими ҳамда 1866 йил октябрь ойида генерал Д. Романовский қўшинлари томонидан шаҳарнинг босиб олиниши жараёнларини архив ҳужжатлари ва тарихий манбалар асосида таҳлил қилади. Шунингдек, мақолада Жиззах мудофаачиларининг қаҳрамонлиги, жангдаги инсоний йўқотишлар ва босқин оқибатлари ҳақида сўз боради.

ИЗ ИСТОРИИ ЗАВОЕВАНИЯ ДЖИЗАКСКОГО БЕКСТВА

Ахрорқул Хасанович Пардаев

Доцент

Заведующий кафедрой «Всеобщая история» Джизакского государственного педагогического университета (JDPU)

Научный идентификационный номер: FJZ-0826-0002

Джизак, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Джизакское бекство, Бухарский эмират, Российская империя, М.Черняев, Д.Романовский, сражение при Акджаре (Иржаре), крепость Урда, колониализм, завоевание, Туркестан.

Аннотация: В данной статье освещается история завоевания Джизакского бекства, входившего в состав Бухарского эмирата, в рамках колониальных походов Российской империи в бассейне Сырдарьи. Автор на основе архивных документов и исторических источников анализирует неудачный военный поход генерала М.Черняева 1865 года, сражение при Акджаре (Иржаре), систему обороны крепости Урда в Джизаке, а также взятие города войсками генерала Д.Романовского в октябре 1866 года. Кроме того, в статье рассматриваются героизм защитников Джизака, людские потери в сражениях и последствия завоевания.

Россия империяси Қозон, Аштархон (Астрахан) ва Сибир хонликларини, козоқлар ва қирғизлар яшовчи Кичик жуз, Ўрта жуз, Катта жуз ҳудудларини эгаллагач, Ўрта Осиё хонликларини босиб олишга киришади. Ўрта Осиё хонликлари шимолий чегаралари яқинида 46 та катта ва 96 та кичикроқ ҳарбий қалъа ва истеҳкомлар қурдириб ҳарбий қўшинларни жойлаштиради. Хонликларни босиб олиш вазифаси Россия подшоши

томонидан дастлаб Оренбург генерал-губернатори В.А.Перовский ва Ғарбий Сибир генерал-губернатори генерал Г.Госфорд зиммасига юкланади.

Россия империясининг дастлабки босқинчилик юришини полковник М. Черняев ва полковник Версвкинлар 1864 йил май ойида Қўқон хонлигига қарши бошлайдилар. Шиддатли жанглар натижасида босқинчилар Тошкентни эгаллайдилар. Оренбург генерал-губернаторлиги таркибида Туркистон вилояти тузилади ва ҳарбий губернатор этиб М. Черняев тайинланади ва унга генерал-лейтенант унвони берилади. Россия қўшинларининг Тошкентни босиб олиши натижасида Россия империяси билан Бухоро амирлиги ўртасида ҳарбий тўқнашув муқаррар бўлиб қолди.

Тошкент шаҳри Туркистон ҳарбий округи қўмондонлиги марказига айлантирилиб, ғалдаги босқин Бухоро амирлигининг муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Жиззах ҳокимлигини босиб олишга қаратилади.

1865 йил январда генерал М.Черняев Чинозда катта ҳарбий куч тўплайди. Подполковник Пистолкарс бошчилигидаги 14 та рота, 600 нафар казак ва ўн олти тўпдан иборат қўшин билан 21 январь куни Сирдарёнинг чап қирғорига ўтиб оладилар. М. Черняев бошчилигидаги қўшин эса 30 январда Сирдарёдан кемада сузиб ўтади ва қўшинлар сафини кўпайтиради.

М. Черняев қўшинлари 1865 йилнинг феврилида Мирзачўл бўйлаб Жиззахга йўл олди. Қаттиқ киш туфайли ўтин, ем-хашак танқислигидан оғир аҳволга тушиб қолади. Натижада М.Черняев Жиззахга ўз вакилини жўнатиб, Жиззах беги Оллоёрбекдан ўтин ва ем-хашак беришни сўрайди. Оллоёрбекдан рад жавобини олгач, 7 февралда подполковник Пистолкарс қўмондонлигида иккита пиёда рота, 400 нафар казакни икки замбарак билан Жиззахни босиб олиш учун сафарбар этилади. Босқинчилар шаҳар ҳимоячилари томонидан каттиқ зарбага учрайди. М.Черняев қуршовда қолган аскарларни қутқариш учун яна иккита қўшимча рота ва икки замбаракни юбориб, аскарларни ўз қўшинларининг лагерига қайтаришга муваффақ бўлади. Икки ўртада бўлиб ўтган жангда босқинчилардан саккиз киши ўлдирилади, ўн тўққиз киши жароҳатланади. Жиззах ҳимоячиларидан эса юздан ортиқ киши ҳалок бўлади. [4, 218-б.] М.Черняев қўшинлари Жиззахда мағлубиятга учрагач, урушни давом эттиришга имкони бўлмаганидан, 1865 йил 10 февралда Сирдарё томон чекинишга мажбур бўлади.

Генерал М.Черняевнинг ўзбошимчалик билан қилган ҳарбий юриши, Жиззахни босиб ололмагани босқинчиларга қимматга тушди. 1866 йил январь ойининг охирида рус подшоси Александр II М.Черняевни лавозимидан олиб ташлаб, унинг ўрнига Туркистон вилояти ҳарбий губернатори генерал Д.Т.Романовскийни бош қўмондон этиб тайинлайди.

Муаррих Мирзо Абдулазим Сомийнинг «Тарихи салотини Манғития» асарида ёзилишича, рус қўшинларининг тобора ичкарилаб келиши амирликнинг илғор фикрли зиёлилари орасида қаттиқ нафрат уйғотади. Бухорода мадраса талабалари жунбишга келиб, босқинчиларга қарши муқаддас уруш яъни «ғазовот» қилишни талаб қилиб чиқа бошлайдилар. Бухоро шаҳри раиси эшон Бақохўжа Садр амирни «ғазовотга» отланишга даъват этади. Иложсиз қолган амир Абдулазим Сомийнинг айтишича: «Беихтиёр босқинчиларга қарши юришга қарор қилди. Муқаддас «ғазовот» учун пайшанба куни беадад қўшин ва беҳисоб хайрихоҳлар билан узангига оёқ қўйди ва Бухорои шарифдан жўнаб кетди». [10, 95-б.]

Бухоро амира Музаффар 60 минг кишилик қўшин билан Жиззах, Сирдарё томон юрди, бироқ қўшин яхши қуролланмаган, аскарларининг аксарият қисми ҳарбий тайёргарликдан ўтмаган эди.

Англия ва Туркиядан ёрдам кутган Амир Музаффар улардан, ҳатто ўз ҳомийлигидаги Қўқон хони Худоёрхондан ҳам мадад ололмади. Қўл остидаги мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, барча беклар ва сардорларнинг бошини қовуштириб, душманга қарши бирлашиб ҳужум уюштиришни ҳам уддалай олмади.

Бош қўмондон генерал Д.Т.Романовскийнинг қўшини Сирдарё даштига чиққани ҳақида хабар келганидан сўнг, амир душман қўшинларининг йўлини тўсиш учун 30 минг кишилик лашкарни Оллоёр девонбеги қўмондонлигида жанговар маррани эгаллашга буюради. Амир Музаффар қўшиннинг иккинчи қисми билан Ўратепа билан Жиззахни бирлаштирувчи тепаликда ўз қароргоҳини ўрнатади.

1866 йил май ойи бошларида генерал Д.Т.Романовский қўшинларининг кичик авангард қисми Оқжарга яқинлашганда Оллоёрбек девонбеги ва унинг қариндошлари Тўхтамишбек ва Фозил додхоҳлар жанг қилмай Ховос томон чекинадилар. Амир Музаффар Сирдарё бўйидаги Оқжар (Иржар) деган жойга катта қўшин ва оломон билан келиб ўрнашади. Амир Музаффарнинг Оқжарда тўплаган қўшини, асосан, Бухоро, Самарқанд, Ўратепа ва бошқа жойлардан тўпланган юз минг кишилик аскарлардан иборат бўлиб, 21 тўп билан қуролланган эди. Ватан ҳимоячиларининг сони кўп бўлгани билан, Аҳмад Донишнинг ёзишича, амир қўшинлари ҳарбий машқни яхши ўзлаштирмаган, уруш майдонини кўрмаган кишилардан иборат бўлиб, аскарлар пилта милтиқлар билан, кўпчилик аскарлар эса учига темир ўрнатилган оддий таёқ қуроллар билан қуролланган эди. [3]

Д.Т.Романовский қўшинлари 1866 йил 8 майда 14 пиеда ротаси ва 500 казак, 28 тўп, саккиз рота қурилмаси билан қуролланиб, Оқжарда амир Музаффар қўшинларига қарши

жанг олиб боради. Жангда амир қўшинлари мағлубиятга учрайди. Оқжарда бўлиб ўтган жангда Ватан ҳимоячиларидан 5 минг киши ҳалок бўлади, кўпчилиги жароҳатланади. Россия қўшинлари қўмондонлиги жанг майдонида қўлаб қурол-яроғ, кийим-кечак ва озиқ-овқатдан ташқари 6 замбарак, 670 пуд порох, 22 минг дона патрон, амирнинг чодир ва унинг ичидаги қимматли буюмларни ўлжа қилиб олади. [4, 236-б.] Амир Музаффар Оқжардаги жангда мағлубиятга учраб, унинг қароргоҳи ўрнашган тепадан Жиззах томон қочади, шу боис кейинчалик бу тепа «Амир қочган тепа» деган номни олади. Амир кечқурун Жиззахга етиб келади.

Бухоро амири Музаффархон Оқжарда бўлиб ўтган жангда енгилганидан сўнг Жиззахга манғит Оллоёр девонбегини ҳоким этиб тайинлаб, Жиззахнинг Эски шаҳридаги Ўрда қалъаси деворларини мустаҳкамлаш ва таъмирлаш ҳақида унга буйруқ беради. Амирнинг буйруғига кўра, Жиззах шаҳридаги Ўрдани ҳарбий жиҳатдан мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилади. Қалъа иккинчи девор билан ўраб олинади. Муҳаммад Ёқуббек бош қўмондон этиб тайинланиб, шаҳарни ҳимоя қилиш учун 12 минг кишилиқ аскар, 53 та турли калибрдаги замбарак ва бошқа қурол-яроқ, аслаҳалар Ўрда қалъасига келтирилади. Шаҳар ҳимоячилари бузилган ҳарбий истеҳкомларни ва Ўрда қалъаси деворларини қайта тиклаб, босқинчилар ҳужумини қайтариш учун ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрадилар. Зоминдан Жиянхожа тўқсабо бошчилигидаги қўшинлар ҳам Жиззах ҳимоясига етиб келадилар.

Жиззах урушида қатнашган рус офицери М.А. Зиновьевнинг маълумотига кўра: «Жиззах ҳимоясида 19 нафар беклар қатнашди. Қалъанинг умумий бошқаруви Оллоёрхон зиммасига юклатилган бўлиб, у «тўқсабо-парвоначи» (таксаба-перваначи) унвонига эга эди. Мазкур «тўқсабо-парвоначи» унвони Россия империясидаги қайси мансаб ёки даражага мувофиқ келишини аниқ айта олмайман. Бироқ маълумки, ушбу унвон Бухоро амирлигидаги энг юқори давлат амалдорларига берилган бўлиб, бундай мансаб эгалари сон жиҳатдан ниҳоятда чекланган эди. Жиззахда, шунингдек, Ёқуббек ҳам бўлган. У мазкур қалъанинг собиқ коменданти бўлиб, ўтган йили генерал Черняевнинг Жиззахга қилган ҳарбий юриши чоғида қалъа коменданти вазифасини бажарган». [7, 96-б.]

Ўрда мудофаа деворлари шунчалик узун, баланд ва энлик бўлганки, соқчилар девор устида от қўшилган қўқон аравада айланиб юришиб шаҳарни қўриқлашган. Қарама-қарши томондан келган соқчилар араваси бир-бирига ҳалақит бермасдан ўз йўлини давом эттирган. Топографик план бўйича Ўрда мудофаа деворларининг умумий узунлиги 4 км.га етган. Мудофаа деворлари тизимида маълум масофада мудофаа буржлар мавжуд бўлган. Ярим айланасимон шаклдаги ушбу буржлар асосан Ўрданинг шимолий ва шарқий

деворларида зич жойлашган. Бу эса азалдан Ўрдага таҳдид солувчи кучларни қай йўналишдан кўпроқ келишганини, ҳаракатда бўлишганини (Қўқон хонлиги, Ўратепа беклиги, кўчманчилар... ва ниҳоят руслар) кўрсатади.

Мудофаа деворларининг ташқи томонида сувга тўлдирилган хандақлар ўрни қайд этилган. Шаҳарга кириш учун ҳар учала дарвоза олдида осма кўприк мавжуд бўлган. Манғитлар сулоласи тарихини ёзган Аҳмад Донишнинг эътироф этишича, Жиззах Ўрдаси дарвозаларини руслар бузиб кирмасликлари учун, дарвозаларнинг ички томонига араваларда ташиб тупроқ уюлган. Муаллифнинг ёзишига қараганда, узоқ давом этган ҳужум ва саъй-ҳаракатдан сўнг Ўратепа дарвозаси томонидан рус аскарлари Ўрдага бостириб киришганда, мудофаачиларнинг чиқиш учун барча йўллари берк бўлиб, Тошкент ва Самарқанд дарвозаларини очиш имконияти бўлмаган. Шу сабабли кўплаб жиззахлик ҳимоячилар ўзларини баландлиги 10 м. бўлган деворлар устидан ташлаб ҳалок бўлган.

Мирза Абдулазим Сомийнинг хабар беришича, Сирдарёнинг чап соҳилида жойлашган Майда юлғун деб аталган мавзеда (бу мавзе Аҳмад Донишда Сассикқўл, рус тарихчилари асарларида Иржар деб аталган. Иржар — Эржар аслида Ўржар деб аталгани эҳтимолдан узоқ эмас) 1866 йил 8 майда бўлиб ўтган қисқа жанг ва талофатли оғир мағлубиятдан сўнг амир Музаффар шошилини равишда Жиззахга қайтади. Жиззахга манғит Оллоҳёр девонбегини ҳоким қилиб тайинлайди ва унга Жиззах шаҳри Ўрдасини иккинчи қатор мудофаа деворлари билан ўраш ҳақида фармойиш беради [5, 62-б.].

Бизнинг ихтиёримиздаги топографик харитада ҳам Ўрданинг иккинчи ҳалқа мудофаа деворлари қайд этилган. Демак «Эржар жанги»дан сўнг деярли беш ой мобайнида, яъни, 1866 йилнинг октябригача шошилини равишда бу девор тикланган деб тахминан қилиш мумкин.

Аҳмад Донишнинг ёзишича, Тошкент руслар томонидан босиб олингандан сўнг, амирлик чегараси, Самарқанд дарвозаси ҳисобланган Жиззахда кўшимча мудофаа девори қуриш учун юз минг танга ажратилган [1, 45-б.]. Демак, 1865 йил 17 май, яъни Тошкент босиб олингандан кейин Жиззах Ўрдасининг иккинчи девори қурилиши бошланган ва деярли бир ярим йилда бу иш амалга оширилган.

М.А.Терентьев ҳам Жиззах Ўрдаси дарвозалари ҳақида хабар бериб қуйидагича ёзади: «учала дарвоза — Самарқанд, Ўратепа, Қамишқўрғон ёки Тошкент дарвозалари ичкаридан тупроқ уюми билан зичлаб беркитиб ташланган ва гарнизоннинг чиқиш йўли тўсиб қўйилган. Амирнинг буйруғига кўра, қалъа коменданти шаҳарни сўнгги кучи қолгунча ҳимоя қилишга аҳд қилган» [9, 373-б.].

Топографик харита бўйича, Ўрданинг шимолий ва шарқий дарвозалари, яъни Тошкент ва Ўратепа дарвозалари штурм пайтида бутунлай вайрон қилинган. Фақат ғарбий Самарқанд дарвозасигина омон қолган.

Россия солдатлари Ўратепадан кейин Зомин қалъасини қўлга киритиб олгач, қон тўкиш, вайрончилик навбати Жиззах шаҳрига келади. Рус зобити З.Зиновьев бутун минтақада Жиззах истеҳкомига ўхшаган мустаҳкам қалъа бўлмаганлигини, қалъада мураккаб мудофаа ишлари амалга оширилганлигини ёзади. Жиззахда Искандарбек бошчилигида 10 минг кишилиқ қўшин, 53 тўп билан қуролланган ҳимоячилар бўлиб, тўп отишда моҳир афғон аскарлари ҳам бор эди. [8]

Генерал Д.Т.Романовский қўмондонлигидаги қўшинлар 1866 йил 11 октябрда шаҳарни қуршов остига оладилар. Мудофаачилар душмanning дастлабки ҳужумини қайтаришади. Искандарбек бошчилигидаги афғон ҳарбийлари моҳирлик билан жанг қилиб, ҳимоячиларга далда беришади. Душман шаҳарга борадиган сув йўллари бекитиб, Самарқанд ва Ўратепа дарвозаларидан ҳужум қилишга киришадилар. 15 октябрь куни кечқурун капитан Михайловский 4 пиёда рота, 6 тўп ва 2 мортира билан Самарқанд дарвозаси остонасидан жой олади. Полковник Воронцов-Дашков қўмондонлигидаги 2 та рота, 200 казак ва 4 тўп билан шаҳарнинг жануби-ғарбий бурчагидан жой олади. Рус қўшинлари ва ҳимоячи қўшинлар ўртасида қаттиқ жанглар бўлиб ўтади.

Жиззахнинг қарийб 100 гектар ерини эгаллаган Ўрда қалъаси мустаҳкам истеҳкомга айлантирилган эди. Қалъа 9—10 метр баланд девор билан ўралган, атрофидаги чуқур хандақлар сув билан тўлдирилган, қалъа деворининг эни 4—5 метр бўлиб, отга қўшилган қўқон аравадаги замбарак бемалол девор устида ҳаракатлана оларди. Шу билан бирга кўпгина ўқ отиш туйнукларига эга эди.

1866 йил 15 октябрда бош қўмондон Д. Романовский ва штаб бошлики В. Крижановскийлар Жиззах шаҳар ҳокими Оллоёрбекка шаҳарни жангсиз топшириш ҳақида ултиматум йўллайди. Оллоёрбек эса шаҳар оқсоқоллари, лашкарбошилари билан маслаҳатлашиб, қўмондонлик ултиматумига Бухоро амиридан шаҳарни топшириш ҳақида рухсатнома олгунига қадар, ҳужум қилмаслигини сўраб жавоб хати йўллайди. Рус қўмондонлиги Оллоёрбекнинг бу ҳийласидан хабардор бўлиб, 15 октябрь куни шаҳарни қамал қилиш ва уни қурол кучи билан босиб олиш учун шаҳарнинг Самарқанд, Ўратепа дарвозалари атрофида турган полковник Воронцов-Дашков, полковник Григорев қўмондонлигидаги қўшинларга Бухоро сарбозларини тор-мор қилиб, сўнгра Тошкент дарвозаси атрофини бутунлай эгаллаб олиш ва зарба бериш ҳақида буйруқ беради.

16 октябрь куни эрта тонгдан жанг бошланади. Полковник Воронцов-Дашков бошчилигидаги 2 рота, 200 казак ва 4 тўп шаҳарнинг жануби-ғарбий томонига юборилади. 17 октябрь куни эрталаб душман солдатлари Ўратепа ва Самарқанд дарвозалари олдида деворни тешиб, шаҳарнинг Ўрда қалъасига хужум бошлайдилар. Бу жангда Григорев, Воронцов-Дашков ва Пистолкарс қўмондонлигидаги солдатлар фаол қатнашадилар.

Россия қўшинлари Ўрда қалъасини қўлга киритиш учун барча кучларини сафарбар қилади. 17—18 октябрь кунлари Бухоро сарбозлари билан рус қўшинлари ўртасида шиддатли жанглар бўлди. Ўрда қалъа дарвозалари ички ва ташқи томондан тупроқ билан беркитиб қўйилиши душман қўшинларига қўл келади. Ўрда ичида қамалиб қолган Бухоро сарбозларини истилочилар аёвсиз қириб ташлайдилар.

Шуни айтиш жоизки, Ўратепа қирғини Жиззахга тўкилган қонларга нисбатан бирмунча оз эди. Ўратепа қалъасида 4 минг киши ҳимояда турган бўлса, Жиззахда 10 минг киши ҳимояда турган эди. Ўратепа қалъасида ҳимоячиларнинг кўпчилиги шаҳарнинг душман эгалламаган дарвозасидан қочишга улгурган бўлса, Жиззахда шаҳар дарвозалари тупроқ билан тўсилгани туфайли аҳоли шаҳардан чиқа олмади. Бухоро сарбозлари Тошкент дарвозасидан ташқарига чиқиб, жанг қилмоқчи бўлганларида пистирмада турган душман аскарлари милтиқлардан ўқ узиб, шаҳар ҳимоячиларини қириб ташлайдилар.

Рус муаррихларининг ёзишича, Тошкент дарвозасида отлиқ аскарларнинг мурдаларидан гўё ток ҳосил бўлиб, «Жиззахда қон дарё каби (кров лился рекой) оққан эди».

Истилочиларга қарши жангда юз берган воқеалар уларни ҳайрат ва даҳшатга солган эди. Россия журналистларидан бири «Русский вестник» газетасида «шаҳар ҳимоячиларининг қаҳрамонлигига ва қаттиқ қаршилигига тан бериш лозим. Ҳатто қалъадаги бир гуруҳ кишилар жангни давом эттиришга иложи қолмаганидан кейин порох омборига киришиб, ўзларини портлатиб юбордилар. Бундай қилиш учун юксак маънавият, катта жасорат ва матонат керак эди» [6], деб ёзган эди.

Генерал Романовскийнинг эътироф этишича, Жиззах муҳофаачиларидан 6 минг киши ўлдирилган, 2 минг киши асир олинган. Тарихий манбаларда таъкидланишича эса, ҳаёт-мамот жангида жиззахликлардан 9000 жангчи, маҳаллий тинч аҳолидан 1500 киши ҳалок бўлиб, 1500 га яқин киши асирга тушиб, уларнинг 600 таси оғир ярадор бўлган эди. Бухоро амирининг 18 лашкарбошисидан 16 нафари, жумладан, Оллоёрбек девонбеги, Одил додшоҳ, Абдусаттор Иноқ, Жўян Тўқсоба, Ҳусанбий ва Искандархон сингари жасур лашкарбошилар Жиззахни ҳимоя қилишда мардларча ҳалок бўлдилар. [6]

Жиззах шаҳри хонавайрон қилиниб, қўлга олингач, генерал Крижановский Жиззах комендантлари этиб тайинланади. Фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш учун унинг

тасарруфида 10 та рота аскар, 10 та тўп, 300 жангари казак ва бошқа курол-яроғлар қолдирилади.

Россия қўшинлари Жиззахни босиб олгач, полковник Абрамов раҳбарлигидаги Оренбург ўқчи батальонининг 2 та ротаси, казакларнинг бир взводи, 100 аскардан иборат, 4 та тўп билан куролланган қўшинлари 1867 йили 27 майда Самарқандга қараб юрдилар. Босқинчилар Илонўттидан ўтиб, Кўкгумбаз, Янгиқўрғон қалъаларига ҳужум қилиб, уларни, култепага айлантирадилар. Жиззахни босиб олишда фаол қатнашган Оренбург генерал-губернатори Крижановскийнинг Россия империяси ҳарбий вазири Д.Н.Милютинга 19 октябрда ёзган телеграммасида: «Бухоро амирининг Сирдарё водийсидаги сўнгги таянчи Жиззах беш кунлик қамалдан сўнг, 18 октябрь куни соат 12 да эгалланди... 26 та байроқ, 53 та курол ва кўп бойликлар қўлга туширилди. Бизнинг йўқотишимиз, Худонинг иродаси билан, 100 кишидан камроқ бўлиб, 4 зобитимиз яраланди» [10, 99-б.], деб ёзилган эди.

Жиззах шаҳри ва унинг атрофи истило қилинган, Жиззах шаҳрини хонавайрон қилиб, култепага айлантирган Крижановский Жиззах шаҳрининг комендантлари этиб тайинланди. Генерал ихтиёрида бўлиши мумкин бўлган халқ ғалаёнларини назарда тутиб 10 рота пиеда аскар, 300 нафар казак, 10 тўп ва бошқа курол-яроғ қолдирилди. Жиззах шаҳри босиб олингандан кейин чор Россияси қўшинлари Бухоро амирлигига қарашли Ғаллаорол туманини босиб олиш учун Илон ўтти дарасидаги Темир дарвозасидан 25 километрча узоқликдаги жойлашган Кўкгумбаз, Янгиқўрғон қалъаларини босиб олиш учун ҳарбий ҳаракатларни бошлади. Жиззахлик ватан ҳимоячилари ва чор Россияси қўшинлари ўртасида «Илонўтди» дараси, Сойбўйи ва Бахмал қишлоқлари атрофида қонли жанглар бўлиб ўтди. Жиззахликлар томонидан Янгиқўрғон, Кўкгумбаз қалъалари мардоновор ҳимоя қилиниб, кўплаб душманлар қириб ташланди.

Чор қўшинлари Бахмал қишлоғи атрофи ҳудудларини босиб олгач, 21 октябрь куни полковник Мантейфел бошчилигидаги 2 рота аскар Кўкгумбаз қалъасини эгаллаш учун қалъани 2 тўпдан узлуксиз тўпга тутиб, унга катта зарар етказди. Сангзор дарёсидан ўтишда душман жуда катта талофот кўрган бўлса ҳам қалъани олишга муваффақ бўлди. Чор қўшинлари зарбасига бардош бера олмаган Кўкгумбаз қалъаси ҳимоячилари ноилж Янгиқўрғон қалъаси томон чекинишга мажбур бўлдилар. Қалъани қўлга киритган чор қўшинлари уни портлатиб култепага айлантирдилар.

1866 йил октябрь ва ноябрь ойларида ғаллаоролликлар Янгиқўрғон қалъаси, Сарбозор қишлоғи атрофида босқинчи қўшинлар билан қонли жанглар олиб бордилар. Тиш-тирноғигача куролланган, босқинчилик урушларида чиниққан чор қўшинлари ҳужумига бардош бера олмаган Янгиқўрғон қалъаси ҳимоячилари қалъани қонли

жанглардан кейин топширишга мажбур бўлдилар. Боскинчилар қалъани қўлга киритгач, қалъа душман томонидан портлатиб юборилди. [2, 39-б.] Ҳозирги кунда қалъанинг ўрнида 1941—1945 йиллардаги урушда ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган жангчилар хотираси учун «Шон-шуҳрат» монументи қад кўтарган.

1867 йилда чор Россияси қўшинлари Ғаллаорол, Булунғур тумани ҳудудларини босиб олгач, Самарқанд шаҳрини забт этиш учун қонли жангларни давом эттирдилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аҳмад Дониш. Трактат Аҳмада Дониша «История мангитской династии». Таржима, сўзбоши ва изоҳлар И.А.Наджафова. Д.: «Дониш», 1967. — 45 б.
2. Ҳайдаров Ҳ., Пардаев М. Ғаллаоролнома. Қомуслар Бош таҳририяти. Т., 1996. — 39-б.
3. Ҳайдаров Ҳ., Усмонов Қ. Жиззах тарихи (Жиззах шаҳри ҳақида тарихий лавҳа ва хотиралар). Т.: "Ўқитувчи", 2009. — 80 б.
4. Ҳамид Зиёев. Туркистонда чор Россияси тажовузи ва зўравонлигига қарши кураш. Т.: „Шарқ“, 1998. — 218, 236-б.
5. Мирза Абдулазим Сомий. История мангитских государей. М., 1962. — 62-б.
6. Русский вестник. Журнал литературный и политический / изд. М. Н. Катков. — Москва: Университетская типография (Катков и К°), 1868. — Т. 5.
7. Русский вестник. Журнал литературный и политический / изд. М. Н. Катков. — Москва: Университетская типография (Катков и К°), 1868. — Т. 75. — С. 96.
8. Русский вестник. Журнал литературный и политический / изд. М. Н. Катков. — Москва: Университетская типография (Катков и К°), 1868. — Т. 140.
9. Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. Т. I. Спб., 1906. — 373-б.
10. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т.: „Шарқ“. — 95, 99-б.